

## **Таянч докторантурага қуийдагилар қабул қилинади:**

• бакалавр ва магистр дипломлари (фақат юридик соҳа бўйича) ёки олий маълумот тўғрисидаги (ихтисослик бўйича) дипломга эга бўлганлар;

• Академия магистратураси битиравчилари;

• юридик соҳа бўйича бакалавр дипломига эга Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқарув академияси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Стратегик таҳлил ва истиқболни белгилаш олий мактаби магистратураси битиравчилари;

• юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун диссертация тадқиқоти асосини ташкил қилиши мумкин бўлган илмий натижалар, шу жумладан, илмий журналларда чоп этилган камида битта мақола ҳамда тегишли йўналишлар бўйича иккитадан кам бўлмаган илмий ишлар тўпламларига киритилган маъруза тезисларига эга бўлганлар;

• илмий тадқиқотлар учун танланган мавзу билан боғлиқ камида уч йиллик иш тажрибаси;

• чет тилини билиш даражасининг миллий ёки тегишли халқаро сертификатига эга бўлганлар.

## **Таянч докторантурада ўқишга талабгорлар Академияга қуийдаги ҳужжатларни тақдим этадилар:**

• ариза;

• қисқача биографик маълумотнома;

• шахсни тасдиқловчи ҳужжат (паспорт ёки ID-карта) нусхаси;

• меҳнат дафтарчасининг белгиланган тартибда тасдиқланган нусхаси;

• олий таълим муассасаси бакалавр ва магистратураси дипломи, олий маълумот (мутахассислик дастурлари бўйича) тўғрисидаги диплом нусхаси;

• миллий ёки тегишли халқаро сертификатнинг нусхаси;

• нашр этилган илмий ишлар рўйхати, шунингдек уларнинг нусхалари.

## **Докторантурага қуийдагиларга эга бўлганлар қабул қилинади:**

• юридик фанлар номзоди ёки юридик фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) ёхуд уларга тенглаштирилган хорижий давлатларда олинган илмий даражалар;

- юридик фанлар номзоди ёки юридик фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражаси ёхуд уларга тенглаштирилган бошқа илмий даражалар олгандан сўнг муҳим илмий ютуқларга эришиш, шу жумладан, фан доктори (DSc) илмий даражасини олиш учун диссертация тадқиқоти асосини ташкил қилиши мумкин бўлган илмий журналларда чоп этилган камидаги учта илмий мақолага ҳамда илмий-амалий конференциялар, семинарлар ва тегишли илмий йўналишлар бўйича илмий ишлар тўпламларида камидаги иккита тезисга эга бўлиш.

**Докторантурада ўқишига талабгорлар Академияга қўйидаги ҳужжатларни тақдим этадилар:**

- ариза;
- қисқача биографик маълумотнома;
- шахсни тасдиқловчи ҳужжат (паспорт ёки ID-карта) нусхаси;
- меҳнат дафтарчасининг белгиланган тартибда тасдиқланган нусхаси; олий маълумот, юридик фанлар номзоди ёхуд юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) ёки хорижий давлатларда унга тенглаштирилган илмий даражага эга бўлганлиги тўғрисидаги диплом нусхаси;
- тадқиқот мавзуси бўйича илмий маъруза ва фан доктори (DSc) илмий даражасини олиш учун тайёрланган докторлик диссертацияси режасининг муфассал лойиҳаси;
- нашр этилган илмий ишлар рўйхати, шунингдек уларнинг нусхалари.